

ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 72 (6814)
1997 йил 17 сентябрь чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Азим чинорлар соя ташлаб, гулзорлар яшнаб, ҳовлилар су-пурилиб, синф хоналари файзли бўлиб уз эгаларини бағрига олди. Суянчимиз, таянчимиз булган тийрагу зийрак ўқувчиларимизга боқиб, «сизларни алдаб булмайди. Сизларга маъри-

ҳалқ таълими бўлими бошлиғи муовини Абдували ака Тухтаев уз устозлари ва синфдошлари билан бирга утказишган. Бу йил мактабимиз ота-оналарингиз ва уз қул меҳнатингиз билан таъмирлангани учун ҳам сизга ардоқли бўлиши лозим. Айниқ-

Акс-садо

билдимингиз мустаҳкам бўлиши учун изланишда, интилишдаю, сиз эса «Қибрайдан хат келди» (23 август, 1997 йил) сарлавҳаси остида, бизда ўқитувчи йук, — деб газетага эзибсизлар.

ВАЗИФАМИЗ — БИЛИМ БЕРИШ

фат улашиш учун маърифатли бўлишимиз керак. Сизларни маънавиятли қилиш учун узимиз баркамол инсон бўлишимиз керак», — дегинг келади. Биз учун умрнинг азиз онларини сизлар билан утказиш — фахрдир, азиз ўқувчилар!

Мактабимиз боғу гулзорла-

са мактаб музейининг пайдо бўлиши ҳаммамиз учун бир олам қувончдир. Энди устоз Мухтор ака Рустамов бошчилик қиладиган музейда мактаб тарихини ўқишингиз мумкин. Машҳура Сиддиқова бошчилик қилаётган бошланғич таълим усталари С.Бойсапарова, Х.Мав-

Ўқитувчи муаммоси биргина бизнинг мактабда эмас, жуда кўп мактабларда тақчил бўлиб қолганди. Энди эса ҳукуматимиз уз чора ва тадбирларини куриб зиёлиларга эътиборни қаратяпти. Бу йилнинг узид мени ишга олинг, деб йиғирмадан ортиқ олий маълумотли мутахассислар бизга таширф буюрди. Қаранг, мактабимизда юз-қўзларидан нур ёғилиб, кексалик гаштини сураётган Т.Одилхўжаева, Ж.Муслимова, Р.Одилова, Ш. Туропова ҳамшишалик маслаҳатгуйимиз бўлиб ёнимизда туришибди! Мактабимиз раҳбари Аъзамов Убайдулла ака сизнинг хатингизни тўғри деб топиб, биз бошланғич синф ўқитувчиларини чин маънода тафтиш қилдилар ва шундай хулосага келдилар:

Бундан буён дарс соати буш қолмайди. Вазифамиз ўқувчиларга билим бериш экан, илмимиз, ҳунаримизни бу йулда сарфлаймиз!

Ҳолида РАСУЛОВА,
Барно ИСАБОВА,
Тошкент вилояти,
Қибрай туманидаги 30-мактаб ўқитувчилари



рени яратиш устоз ва шогирд меҳнатидан далолатдир. Салобатли чинорларни туманимиз

лонова Ҳ.Тулаганова, С.Турсунова, С.Хусанова, С.Шоюсупова, У.Олимхўжаева, У.Набиева



Шу нотинч асрда ким меҳмон кутади? Ким дастурхон езиб қувончу хурсандчилигини уртоқлашади?

Албатта, кўнгли хотиржам, ҳаёти осуда булган юрт эгалари. Бугундан мамнун, эртасидан умидвор улкалар.

Куз тегмасин илойим! Қўшнилариимиз нотинчлигини куриб, ўқиб ва эшитиб, дунё узгариш-

ларига қўлоқ тутиб яна такрорлаймиз: ҳаётимизга куз тегмасин! Ва фахр билан, қувонч билан, сайёҳлар назарида эртақлар шаҳрига айланган Самарқандда «Шарқ тароналари» ни янгратамиз. Асакадан чиққан уз машиналаримиз, «Ўзбекистон ҳаво йуллари» дан учган уз тайераларимиз билан олам кезар эканмиз, олам одамларини юртимизга чорлаймиз.

Куз тегмасин, қонга ботиб, уйқуси-ю унгидан ҳаловати йўқолиб, ҳар лаҳзада жонини асраш учун қули кетмонга — яратишга эмас, ажалга — қуролга епишган

МЕҲМОНДУСТ УЛКА

айрим мамлакатлар урушларда, қурашларда умрини утказётган шу кунларда Тошкентимизда улкан спорт байрами бўлиб утди. «Президент кубоги» туртинчи халқаро турнири анъанавий мусобақага айланганини дунё одамлари уз қўзлари билан курдилар. Ер юзининг турт бурчидан келган теннисчилар ҳафта давомида уз маҳоратларини курсатдилар.

«Спортчилар уйинидаги кураш иштиғи, барча ёшу қари шугул-

ланиши мумкин булган қизиқарли спорт тури миллионлаб томошабинларни хурсанд қилди, деса янглишмайман, — деди юртбошимиз мазкур турнирнинг епилиш маросимида. Биз учун энг муҳими — Ўзбекистонда бундай мусобақаларнинг утказилиши эртанги кунда шаҳар ва қишлоқларимиздаги теннис кортларига саломатлигини мустаҳкамламоқчи ва катта теннис билан шугулланмоқчи булган минглаб кишиларни,

энг авало фарзандларимиз ва набираларимиз — булажак маҳоратли теннисчилар ва чемпионларни жалб этиш имконини беришига ишонаман».

Юртбошимиз ишончини оқлаш учун, туйлар, тантаналар байрамга айланган улкамизга муносиб фарзанд бўлишга — илм олишга, бунёдкорликка, соғломликка, ватанини севишга шошилайлик, азиз ўқувчилар!

ЯНГИ АЛЬБОМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли янги фундаментал асарига бағишлаб чиқарилган рангли, катта форматли альбом «Янги Ўзбекистон тарихи варақлари» деб аталади. Мазкур альбом ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган. Альбом ўн қисм-

дан иборат бўлиб, унинг ҳар бир бўлими мамлакатнинг умумий-сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаётида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори ва ҳамкорлик алоқалари, мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг асосий масалаларига бағишланган.

ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИ
15-16 сентябрь кунлари

пойтахтимиз Тошкентда «Марказий Осиё» ядро қу-



ролидан холи ҳудуд» Халқаро анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қатнашди ва

нутқ сўзлади. Мазкур йиғиннинг Тошкентда ўтказилишининг ҳам боиси бор. Халқаро ҳамжамият, кўпгина давлатлар Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга энг кўп куч сарфлаётган республика деб биладилар.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ КУНЛАРИ

Япония жаҳонни ҳайратга солаётган давлатдир. Дунёда ҳеч бир инсон йўқки, япон машинасоз-

лиги, электроника, асбобсозлик маҳсулотлари ва ютуқларидан хабардор бўлмасин. 12 сентябрда Ўзбекистонда Япония маданияти кулари бошланди. Белгиланган дастурга кўра республика Киночилар уйида япон кино ижодкорлари томонидан яратилган бадиий фильмлар кинофестивали бўлиб ўтади. Ундан ташқари меъморчилар кўргазмаси намойиш этилади. Таниқли япон олимлари пойтахт олий ўқув юртлари талабаларига маърузалар ўқийдилар.

Ўзбекистон ва жаҳон

ИНГЛИЗ ОИЛАСИДА 15 КУН

Мустабидлик йилларида ўзбекистонликларнинг хорижий давлатларида бўлиб келиши катта воқеа саналарди. Чунки ҳамма нарсага Марказнинг рухсати керак буларди. Ҳозир эса ҳар ойда минглаб ҳамюртларимиз жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлиб қайтмоқдалар. Биз жаҳонни танимоқдамиз, жаҳон

ҳам бизни яқиндан билиб олаётир.

Яқинда лицейимиздан бир гуруҳ аълочи йигит-қизлар англиялик дўстларнинг таклифига биноан уша юртга бориб келдилар. Лицейдошларимизни Лондоннинг Хитроу аэропортида инглиз тенгдош-

ларимиз кутиб олдилар. Уларни денгиз ёқасида жойлашган сулим Кэнт шаҳрига олиб келишди. Шу ерда ҳар бир ўқувчи йигит-қизни биттадан инглиз хонадони 15 кунга ўз бағрига олди.

Бизнинг болаларимиз инглиз оилаларининг ўз

фарзандлари каби улар билан бирга яшаб, бирга турибдилар. Инглиз тилида мулоқот қилишибди.

Тошкентлик йигит-қизлар Англиянинг хушманзара жойларида, машҳур музейларида булишибди. Улар қайтиб келишгач таассуротлари билан ур-

тоқлашдилар. Бизда ҳам бу олис меҳмондуст юртга нисбатан муҳаббат уйғонди.

Энди биз инглиз дўстларимиз билан мунтазам равишда хат олишиб турамыз. Уртада мустақкам дўстлик куприги қад ростлади.

Бобур СОБИРОВ,
Нафис санъат
лицейи битирувчиси

Касал булиш яхшими? Албатта ёмон. Эрта-ю кеч тушакдан турмай дори ичиб ётиш кимга ҳам ёқади? Бундан ота-оналаримиз қанчалар ташвишга тушишади.

Яқинда пойтахтимиздаги «Саломатлик» марказида мактаб шифокорларининг йигилиши бўлиб ўтди. Унда «Ёш авлодни соғломлаштиришда мактабнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати олиб борилди. Қуйида йигилишда айтилган фикр-мулоҳазалар билан танишасиз.

Марям СОДИҚОВА,
Пойтахт соғлиқни сақлаш бошбошқармаси бошлигининг уринбосари:
Бугунги кунда ёш авлод соғлигини муҳофаза қилиш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг ўқув жараёнида соғлом, бақувват бўлишлари шифокорлардан ута ҳушёрликни талаб этади. Негаки, катталардан кура болаларни даволаш мураккаброк. Чунки ёшлар, айниқса угил болалар уйинқароқ бўлишади. Шухлик асносида бир-бирларини ҳар қандай нохуш аҳволга солиб қуйишлари мумкин. Қолаверса, болалар тиббий муҳофаза, гигиена қоидалари деган тушунчалардан катталарга нисбатан биров узоқроқ бўлишади. Шунинг учун бу ерга йигилган мактаб шифо-

корлари ўз масъулиятларини тўғри англаштилари, деб уйлайман.

М.МУҲИДДИНОВА,
Шаҳар Санитария - эпидемиология бошқармаси бўлим мудир:

— Халқимизда «Соғ танда — соғлом ақл» деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам шундай. Болалар қанчалар соғ, бақувват бўлишса, уларнинг илмга чанқоқ, билимдон бўлиб ётишиши-

ма қатори хасталанганмиз, шифокорлар меҳрибонлиги туфайли тузалганмиз. Илгари бизнинг болалигимиз ўтган даврда ёш авлод саломатлиги ҳақида ҳозиргидай қайғурилмас эди...

Ҳар бир ўқувчида узига хос кун тартиби бўлмоғи даркор. У ўз вақтида ўқиши, уй ишларига ёрдам бериши, бадантарбия билан мунтазам шугулланиши, ўз вақтида дам олиши керак. Ўқитувчилар эса ўқувчининг

болалар уртасида куп учрайдиган касалликлар ичида сариқ касал жуда «инжиқ» хасталик саналади. Боланинг ранги саргайиб қуввати камаё бошлагани касалликнинг дастлабки аломати ҳисобланади. Аммо айрим мактаб шифокорлари «ўтиб кетади» деб бунга эътибор беришмайди. Лоқайдлик натижасида касаллик бошқа болаларга юқади. Болалар қўл бериб саломлашаётганларида,

қари куп истеъмол қилиш эса тишларнинг емирилишига олиб келади. Тишларини ҳар кун эрталаб ювишга куп болалар эринадилар. Тишни бир кунда икки марта — эрталаб ва кечқурун уйқута ётиш олдилан тозалаб туриш лозим. Тишларнинг қорайиб, чириб боришидан тананинг бошқа аъзолари, хусусан опқозонда ҳам турли касалликлар пайдо бўлади.

Йигилишда шунингдек шаҳар соғлиқни сақлаш бошбошқармаси ўсмирларга тиббий хизмат курсатиш бўлими бошлиги Г.Умарова «Ўсмирлар соғлигини тиклаш» мавзусида, шаҳар Санитария-эпидемиология бошқармаси болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими мудир Ф.Ҳасанова «Мактабларнинг ўқув мавсумига тайёргарлигининг гигиеник аҳамияти мавзусида, шаҳар халқ таълими бошбошқармаси бошлиги уринбосари Л.Пинчук «Мактаб ёшидаги болалар саломатлигига атроф-муҳит таъсири» мавзусида маъруза қилишди.

Бундан ташқари шаҳар СПИДга қарши кураш маркази бош шифокори С.Усмонов, шаҳар тери-таносил касалликлари диспансери ходимаси Ш.Жалилова ҳам болалар саломатлиги муаммолари хусусида гапирдилар.

Абдумалик
АБДУРАҲМОНОВ эзиб
олди

ФАРЗАНД — СОҒЛОМ
ЭЛ — СОҒЛОМ

ларига имконият кенгайверади. Демак, келажак авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда мактаб шифокорларининг масъулияти беқиёс. Шунинг учун ўқувчилар озода бўлиб юришларида мактаб шифокорлари уларни мунтазам назорат қилиб туришлари керак.

Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ,
Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти ўқитувчиси:
— Ҳаммамиз вақтида мактаб ўқувчиси булганмиз. Ҳам-

уйдаги кун тартиби қандай ташкил этилгани билан ҳам қизиқиб турмоғи лозим. Негаки, болаларнинг соғлом бўлиши фақат мактабдаги шарт-шароитларга боғлиқ эмас. Ўқувчи кунининг асосий қисми мактабда эмас, балки уйда ўтади. Мактабдаги шифокорлар бунинг ёлдан чиқаришмасин.

Дилбар МАҲМУДОВА,
1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонасининг бош шифокори:
— Кўпчиликка маълумки,

опшхонада битта стакандан чой ичаётганларида бошқаларга касал юқтирадилар. Хаста болаларни дарров руйхатга олиниб, даволаш ишлари бошланиши керак.

Малика СОҒИНДИҚОВА,
«Проктор энд гембл» фирмаси вакили:
«Кимдан купроқ курқасан?» — деб савол берилса «Тиш духтирилдан» дея жавоб берадиган болалар тез-тез учраб туради. Бунинг узига хос сабаби бор албатта. Ширинликни яхши курмайдиган боланинг ўзи йўқ. Уни ҳалдан таш-

«АВАЗ»НИНГ
САХОВАТИ

Китоб шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳақиқатан ҳам меҳрмурувватга, ширин сузга, эътиборга бой болалар. Янги йил, Навруз, Мустақиллик байрами кезларида шаҳардаги «Аваз» хусусий корхона аъзолари доимо уларни йўқлаб туришади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Мустақилликнинг олти йиллиги байрами арафасида фирма аъзолари Санам опа Очилова бошчилигида байрам дастурхони тузаб тарбияланув-



чиларни таклиф қилинди. Санамхон опа 40 нафар мактабга чиқадиган болаларга мактаб формаси, оёқ кийим ва эсдалик совғалари топширдилар. Болаларнинг қувончларини куриб шундай саховатли инсонлар куплигидан кўнглимиз ёришди. Тарбияланувчиларимиз ҳам қараб туришгани йўқ. Байрамга атаб тайёрлаган катта концерт дастури билан мурувватли, эътиборли фирма ходимларига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Шоҳсанам БОЕВА,
Китоб шаҳар
Меҳрибонлик
уйи бош стакчиси

Навоийхонлик

«МАҲБУБ-УЛ ҚУЛУБ»
САБОҚЛАРИ



ЯХШИЛИК

Яхшилик — инсон вужудининг хушманзара мевалик боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой боғидир. Яхшилик — ҳодисалар тула денгиздаги кишилик кемасининг лангари деса булади ва инсоният қадрини улчайдиган тарозининг тошига тенглаштирса ҳам булади.

Яхшилик — ахлоқли одамнинг қимматбаҳо либоси ва у кийим турларининг энг чидамли матосидир...

Яхшилик натижасида одам ҳалойиқнинг иззат-хурматиға сазовор булади, яхшилик туйғайли катталардан кичикларга илтифот ва марҳамат етишади...

Одамларга яхшилик қилсанг ёмонликдан омонда буласан. Агар кучлилардан зарар қурмайин деса, кучсизларга фойда етказ...

Кимки умрини мардлар хизмати учун сарфласа, умри утса ҳамки, абадий умр эгаси булади. Узи

нгни шундайлардан узоқ тутма, бошинг кетса ҳам шу муддаони унутма. Умр — бевафодир, мардона ҳаёт — абадийдир...

Болалар, ҳаммаша яхшилик қилишга ҳаракат қилинг. Агар яхшилик қилишга имконингиз бўлмаса, у ҳолда ёмонлик ҳам қилманг. Чунки, сиз қилган ёмонлик захрини, фақат узингиз эмас, теваарак-атрофингиздаги дустлар, қолаверса сизнинг келажагингизга умид билан қуз тикиб турган ота-она ҳам татиб қуришга мажбурлигини зинҳор унутманг. Қуйида диққатингизга тақдим этаётган ҳикоятимизнинг мазмуни қалбингизга ҳамроҳ булишини истаб қоламиз.

ҲИКОЯТ

Бир куни кечаси Мисрнинг Жомье маҳитига ут тушиб ёниб кетди. Мусулмонлар бу ишни гайридинлардан қуриб, уларнинг уйлариға ут қуя бошлашибди. Миср султони ут қуёвчилардан бир

қанчасини туғиб олибди-да, бир жойға йиғиб, улар нечта бўлса, шунча чек тайёрлашга буюрибди. Чекларда улим жазоси, қулини чоғиб ташлаш ёки қамчилаш жазолари ёзилган бўлиб, кимнинг чекига нима тушса, шул жазони олар экан. Чек ташлаш бошланибди. Бир киши чек олган экан, улим жазоси чиқибди.

— Мен улимдан қурқмайман, — дебди ҳалиги одам, — аммо, онам бор, унинг мендан бошқа ҳеч кими йўқ.

Бу одамнинг ёнида бошқа бир киши турган экан, унинг чекида «қамчилаш» жазоси ёзилган экан, у:

— Менда она йўқ, — дебди-да, уз чекини қўшнисига бериб, узи унинг чекини олибди, унинг урнига буни қатл қилишибди, аввалги киши эса қамчи жазоси билан тирик қолибди.

*Қуллар молни бериб,
мардлик қилади,
Мардлар жонин бериб,
мардлик қилади,
Билдиким, дустининг
эҳтиёжи жон,
Аямай уз жонин
айлади қурбон.*

Мукофот ва унвонларни биласизми?

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД
НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
ДАВЛАТ МУКОФОТИ

Бу мукофот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 январдаги фармони билан таъсис этилган. У ҳар уч йилда бир марта тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида юксак бадиий асарлар яратган ижодкорларга берилади.

Бутун шарқ халқлари расомлик санъатининг буюк устози, юртдошимиз Камолиддин Беҳзод номи билан аталган бу мукофотни биринчи бўлиб сазовор бўлган маданиятимиз намоёндалари билан танишинг:

1. Тойир Болтабоев, Хуршид Назиров ва Ғайрат Камолов — Темурийлар тарихи давлат музейига ишлаган уч қисмли маҳобатли «Буюк соҳибқирон — буюк ижодкор» деворий санъат асари учун.

2. Анвар Илҳомов ва Бахтиёр Раҳимбердиев — Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи гўмбазига маҳорат билан ишланган

наққошлик асари учун.

3. Райимберди Матчонов — кулочилик санъати соҳасидаги ишлар туркуми учун.

Азиз болажонлар! Рассом, ҳайкалтарош ёки моҳир кулол бўлиш орзусида юрган ёш ижодкорлар! Мақсадингиз йулида тинмай излансангиз, истеъдодингизни камол топтирсангиз, бир куни албатта Сизга ҳам ана шундай юксак мукофотлар насиб этиши муқаррардир.

М. МУРОДОВА



Бу йил фақат «5»га ўқиймиз



Хурматли болалар, севимли газетамиз саҳифаларида бериб борилаётган «А» дан «Я» гача... номли иқтисод сабоқлари нега тухтаб қолди, деб ҳайрон бўлиб юргандинсиз-а?
Йўқ, сабоқларимиз тухтаб

диган сузимиз «ДАСТМОЯ»... Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, туқ экан. Қадим замонда бир қишлоқда она билан угил яшаркан. Улар жуда камбағал бўлиб, фақат ёлғиз ола сизирларидан сузимиз

ИҚТИСОДИЁТ
АЛИФБОСИ

булса кераг-ов? Булмаса, билиб олинг!

«Дастмоя» — форс-тожикча сўз бўлиб, «қул ва маблаг, яъни пул» маъноларини англатади. Бошқачароқ қилиб айтадиган булсак, уни «айланма маблаг» деса ҳам булади. Демак, савдо-сотик ишларида айлантриб туриладиган, фойда келтирадиган асосий маблаг дастмоя деб аталади. Агар ана шу дастмоя орқасида уша одам бойиб кетса, энди унинг қулидаги дастмоя — йирик маблаг — сармоёга айланади.

Ана энди, эртақдаги она-бола сизирларини сотиб нимага айлантриб олганликларини билиб олгандирсиз?

Э. УСМОНОВ

«А» ДАН «Я» ГАЧА...

қолмади. Фақат орада узилиш бўлиб қолди холос. Сабаби — сизларда ёзги таътил бўлган бўлса, аксарият катта ёшдаги кишилар, ота-оналарингиз меҳнат таътилида булдилар. Қарабсизки, орада қутилган ва қутилмаган «танаффус» бўлиб қолди.

Шу муносабат билан бугундан бошлаб сабоқларимизни яна давом эттираемиз. Сабоқларни келган жойидан — «Д» ҳарфидан бошлаймиз.

Шундай қилиб, бугун ургана-

нинг сугини сотиб кун кечирарканлар.

Бир куни ота углига маслаҳат солиб, «Сизирни сотсак, сен дастмоя қилиб, шаҳарга борсанг, бошқаларга ухшаб тижорат билан шуғулланиб курсанг, қандоқ буларкин?» — дебди.

Угли узоқ ўйлаб, кейин рози бўлибди. Сизир сотилгач угил дастмояни белига туғиб йулга тушибди...

Болалар, шу урида сизда «ДАСТМОЯ» деганлари нима бўлди-кан?» — деган савол туғилган

ПАҲЛАВОН МАҲМУДДАН СЎРАДИМ МАДАД...

Тарихимизни ўрганамиз

Хотира — мангу ёниқ алаңга, сирли тилсимот. У кишини ёруғликка, ёруғ хаёлларга, ойдин умидларга ошно этади. Удуг алломаларни ёд этиш эса биз авлодларнинг тафаккур ва онг сарчашма-мизни бойитади. У кишига рағбат, ёмонликка нафрат, яхшиликка муҳаббат туйғусини баҳшида этади.

Бутун зиератгоҳға айланган зарҳал куббали, Хивадаги энг катта зангори гўмбазидан

ган бино — халқ орасида полвон бобо ёки Паҳлавон пир номлари билан машҳур мақбарадир.

Маърифатпарвар инсон улуг Навоий ҳазратлари уларига устоз деб эъозлаган шоир Паҳлавон Маҳмуд халқ орасида ниҳоятда машҳур бўлган. Шоирнинг рубойлари у ҳаётлиги даврида катта шўҳрат қозонган эди. Мақбарода сиркор безаклар билан нақшланган сатрлар узоқ утмишдан, улуг аждолларимизнинг беқийёс ақл-заковати, истеъдоди, иқтидоридан дарак беради.

*Дунё-бамисоли бир заррин куза,
Суви ширину, гоҳ аччиқ буза.
Эй, гофил умрини тани
бино қуйма кун,
Қазон муаллақ турар бош узра.*

*Дунё бинокори тузар акс-айвон,
Тузиб булади-ю, қилади вайрон.
Фалакка стказиб,*

букун тоқини Эртага қилади ер билан яксон.

XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг бошларида яшаб ижод этган шоир довруқли паҳлавон ҳам эди. У билан кураш тушиш учун ҳатто Ҳиндистондан ҳам полвонлар келишган. Барчаси Паҳлавон Маҳмуддан енгиллиб, мағлуб бўлганча юртларига қайтиб кетишган экан. Шоир тахминан 1322 ёки 1325 йилда вафот этган. Аввалига қабр агрофи кичкина бино билан уралган. Давр утиши билан эса муборак мазор мақбара шаклини олган. XVII асрга келиб эса пештоқ қурилган.

1910 йилда Хива шаҳрининг

ҳомийси Муҳаммад Раҳимхон ташаббуси билан мақбара қайтадан таъмирланади. Хива хони Абдутозихон ва Ангушахонларнинг қабр тоши ҳам шу мақбарага олиб утилади. Бино қурилишини Ҳазорасплик уста мулла Одина Муҳаммад Мурод бошқарган. Бу уста катта-кичик исмиларни ягона меъморчилик иншоотиға моҳирлик билан бирлаштира олган.

Паҳлавон Маҳмуд мақбара-сидати нафис безаклар бинонинг шўҳратини ошириб, бутун дунё сайёҳларини узига мафтун қилиб келмоқда.

Хотира... Орадан сал кам 700 йил утган бўлишиға қарамай биз улуг инсонни, буюк миллатпарвар шоирни ҳурмат билан хотирлаймиз.

У бизнинг виждонимиз, эътиқодимиз ва энг катта маънавий

бойлигимиздир. Миллат фидойиларини хотирлаш, улар руҳини шод айлаб, қалбнинг матонатидан, руҳнинг улугворлигидан дарак беради. Бу ҳақда А. Орипов бежиз шундай ёзмаган:

*Қуйладим, фазоға
нақлим етмади,
Уйладим, дунёға ақлим етмади.
Қай ишга қул урдим,
аҳдим етмади,
Паҳлавон Маҳмуддан
сўрадим мадал.
Мен учун хилхона булади одам,
Гўмбазлар остидан
чиқди бир одам.
Ҳаётсан, бунчалар
фаред айлама,
Мен узим мадалға
зорман-ку, болам.
Х. АХМЕДОВА
тайёрлаган.*



— Юлдуз опа, муъжиза юз бериб, бир думалаб бола бўлиб қолсангиз ишни нимадан бошлардингиз? Яна қайтиб ўз ихтиёрингиз билан санъат йўлини танлармидингиз?

— Эҳ, сингилгинам, қанийди уша муъжиза руй бера қолса. Аслида болалик узи муъжиза-ку! Агар бола бўлиб қолсам, аввалом бор ишни астойдил, кунт билан уқишдан бошлаган булардим. Энди санъатга келадиган булсак, бу менинг ихтиёримдаги иш эмас. Бу тангрининг тақдирга ёзган қисмати. Менга қолса, меҳрибон онамнинг иссиқ кучоқларидан бир қадам ҳам нари кетмаган булардим. Чунки йиллар утган сари онамнинг сарҳадсиз меҳрларини янада кучлироқ ҳис қилиб боряман. Чунки, то она булмаганингча онанинг заҳматларини барибир бутунлигича ҳис қила олмас экансан. Ҳозир қизим Фарангизбонуга боқиб, гўе узимни кургандай буламан. Худди Фарангизнинг бегубор кузларида болалигим яшаётганга ўхшайди.

— Шон-шухратга муносабатингиз қандай?

— Шон-шухрат балосидан яратганинг узи асрасин. Бу бир хавфли касаллик бўлиб, хуруж қилган пайтида ҳамма нарсани унутиб юбориш мумкин. Орномус, виждон, ҳатто энг даҳшатлиси — йимондан ҳам, ҳамма нарсадан, ҳатто ўзлгингдан ҳам кечиб юборишинг мумкин. Агар халқнинг дилидан жой оладиган қушиқлар куйлай олсанг, халқнинг сени жон қулоғи билан севиб тингласа, шунинг узи улкан бахтдир, шон-шухратдир, ундан узгаси ортиқчалик қилади.

— Кечирасизу, негадир кейинги пайтларда ижодингизда бир вақтлар одамларга сўзма-сўз ёд бўлиб кетган «Соғинаман, йўллар қарайман»га ўхшаш қушиқ-

лар камайиб кетди. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Балки ундай эмасдир. Чунки кейинги вақтларда турли хил йуналишда ва турли хил жанрларда қушиқлар куйлаётган. Масалан, фольклор, ҳазил қушиқлар ва шунга ўхшаш болалар қушиқлари. Лекин барибир юрагим сезади. Ҳали шундай қушиқлар куйлайманки, уларнинг олдида «Соғинаман, йўллар қарайман» ҳеч нарса бўлиб қолади. Ҳозир бир туркум халқ қушиқлари устида иш олиб боряман.

— Юлдуз опа, айтинг-чи, ҳаётда ҳам «артистлик» қилган вақтларингиз бўлганми? Том маънода ҳаётда ҳам «артистлик» қила оласизми?

Юлдуз АБДУЛЛАЕВА: ФАРАНГИЗДА БОЛАЛИГИМ ЯШАЙДИ

— Балки қилгандирман. Чунки ҳаёт уз номи билан ҳаёт-да. Яна тирикчилик, турмуш, кун кечириш деган мушкулотлар ҳам бор. Улар инсонни турли хил вазиятларга солади. Лекин табиатимда «артистлик» йўқ.

— Агар малол келмаса, болалигингиздаги қизиқарли воқеалардан бирини айтиб берсангиз.

— Болалигим олгин водийнинг Марғилонида кечган. Бизнинг болаликдаги ҳар бир кунимиз боя айтганимдек муъжиза эди, покиза ҳайрат эди. Мунаввар туйғу эди. Шоир айтганидек:

Энди у кунларга бормоқ

гумондир. Энди у кунларга қайтмоқ армондир.

Болалигимда кийинишни яхши курардим. Ун уч, ун турт ешлик вақтларим эди. Эсимда, уша пайтларда 1 май байрами нишонлангани. Байрамдан бир кун олдин пошнаси баланд туфли олиб берасизлар деб йиғлаб, роса жанжал куртарганман. Байрам кун эрталаб уйғонсам, ҳар кунги туфлим турадиган жойда узим орзу қилганимданда зиёда, пошналари ингичка, ялтираган қизил туфли турибди. Шунақа севишиб кетдимки, очиги, уша кун оёғимдаги янги туфлим билан бутун дунёга сиғмай юрдим. Хаёлан ойга

учиб, юлдузни кучиб параддан утганимни, ҳатто ҳозир ҳам қувониб эслайман. Энди болалик экан-да. Ҳозир бир туфли тугул бутун дунёни олиб берилса-да, у қадар ҳайратланолмасам керак.

— Ҳасад, кўролмаслик, бировнинг ижодидан «қўшиб ўғирлаб куйлашга» қандай қарайсиз? Хонандаларни бу йўлдан қандай қайтариш мумкин?

— Бу санъатдаги бир бедаво лард, тузалмас иллат-ку, Санобар синглим. Ҳасад бор жойда ҳеч қачон усин булмайди. Худбинлик, кўролмаслик бор жойда эса у санъат санъат эмас. Риекор бандаларнинг узини-узи бозорга солиб, намойиш қиладиган майдонига айланади. Бировнинг ижодидан қушиқ ўғирлаб, айнан узидай қилиб куйлаш эса, бу ҳавасдан, азбаройи уша қушиқни севганидан, уша хонандага чин юракдан интилишдан булса-ку хўп-хўп, лекин бу тақлидга ҳасад аралашган булса, гирт аҳмоқликдан узга нар-

са эмас. Аммо, айнан бир қушиқни турли йуналишларда куйлаш бундан мулақо мустасно.

— Энди шеърятга бўлган муносабатингизга келсак. Шеър — бу кўнгилдаги энг нозик туйғуларнинг гўзал ифодасидир. Шеър — бу юракнинг энг чуқур еридаги муқаддас дарддир. Исёндир, оловдир, ишқдир. Сиз ана шундай бетакрор шеърятнинг

Сиз кутган учрашув пугур етади.

— Юлдуз опа, мана, суҳбатимиз ҳам охирлаб боряпти. Энди бир анъанавий савол билан мурожаат қилмоқчиман. Айтинг-чи, Ўзбекистон болаларига қандай тилақларингиз бор.

— Юрагимдаги жамики эзгу тилақларимнинг барчаси озод Ўзбекистоннинг эркин ва хур,




қайси муаллифини ёқтирасиз? Умуман, қайси шоирни севиб ўқийсиз? Кўпроқ қайси шоирлар билан мулоқотда бўласиз?

— Мен бетакрор шоир, раҳматли Шавкат Раҳмоннинг шеърларини ниҳоятда суйиб, ардоқлаб, вужуд-вужудим билан титраб ўқийман. Лекин қушиқ қилгани иқтидорим етмасми-кан деб қўрқаман. Шавкат Раҳмоннинг шеърларини маромига етказиб қушиқ қилиш учун санъаткорда бир илоҳий қудрат, гайри табиий санъаткорона куч булиши керак. Йўқса, у муқаддас шеърларнинг залворига

эркатой болаларига бахшида булсин. Илойим, дард улардан йироқ, осмонлари ҳаминша мусаффо, кўнгиллари қуёшдек порлоқ, ҳаёт йуллари тонг юлдузидек мунаввар ва ёруғ булсин.

— Болаларга бўлган гўзал тилақларингиз, самимий ва мароқли суҳбатингиз учун сизга ташаккур. Ўзингизга ҳам ижоднинг юлдузли онлари доимо ҳамроҳ бўлсин.

Суҳбатдош: Санобар МЕҲМОНОВА.
ТошДУ журналистика куллиёти талабаси.



ТВ ОЛДИДАГИ СИЗНИНГ ДАҚИҚАЛАР

«Муъжизали қути» — телевизор олдида соатлаб утириш сизни толиқтириши ҳақида куп ёздик. Ҳатто уни куриб булгач, куриш учун зарур булган «А» витамини 50 фоизга камайишини ҳам айтдик. Осон лўқма — ТВ муъжизалари китоб ўқишга қараганда сизнинг меҳнату машаққатингизни йўқотгани боис, унинг олдида асаларидек гулгон утириб оласиз-да! Қачон, қандай вақтда бу муъжизали қути олдида келганингиз маъқул?
1997 йил 15-21 сентябрь

куринг, хулоса чиқаринг. Ҳар кун «Оқшом эртақлари» — 20.10

15 сентябрь кеч соат 18.10 да бериладиган «Қушигим — жон қушигим» курсатувида Тошкент вилояти Бустонлик туманидаги «Моҳитобон» болалар фольклор дастаси иштирок этади. Курсатуви болаларнинг сеvimли бастакори, Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ерматов олиб борадилар.

16 сентябрь кеч соат 18.20 да «Меҳрибонлик уйи»да курсатувини куришингиз мум-

кин.

Курсатув А. П. Хлебушкина номли 22-болалар уйининг 55 йиллигига бағишланади. Байрам тантанасида болалар уйининг тарбияланувчилари республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг ажойиб совгаси — Асака шахридан келтирилган машинага эга булишганидан огоҳ буласиз.

18 сентябрь кундузи соат 11 дан 40 дақиқа утганда сизларни «Кичкинтоймиз — гижинтоймиз» телемусобақа курсатувини куришга таклиф этамиз. Унда Тошкент шаҳар Ак-

мал Икромов туманидаги боғчаларда тарбияланувчи кичкинтой укаларингизнинг билими асосида беллашув булади.

20 сентябрь кундузи соат 11 да бериладиган «ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК!» курсатувида ажойиб цирк усталарининг кувноқ дастурини кура-сиз.

21 сентябрь якшанба кун кундуз соат 13 дан 35 дақиқа утганда сиз «азиз кичкинтой болалар» учун «Болалигим — пошшолигим» курсатуви бошланиб унда сиз кичкинтой «санъат гунчалари» билан танишасиз.

Боғчаларда тарбияланаётган

кичкинтой болаларнинг кувноқ ҳаётдан лавҳалар томоша қиласиз.

Ҳурматли газетхонлар! Болаларга яна қандай курсатувлар тайерлашни таклиф қиласиз. Кўнглингиз тулмаган курсатувлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз ҳам келгуси фаолиятимизда асқотади.

Хатларингизни кутамиз. Ҳафта давомида сиз учун муҳим булган курсатувлар дастурни Ўзбекистон телевидениеси «Болалар» Бош муҳарриратининг гуруҳ раҳбари

Тоҳир МУЛЛАБОВ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРФИЗБОВ, Дадаҳон ЁКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Оффет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0592. 10960 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30. Навбатчи муҳаррир М. Муродова

• Руйхатдан утин тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон: 1-33-44-25

